



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

PhD Эрназаров Гулам

*Тошкент шаҳридаги “Москва Энергетика Институтини”
миллий тадқиқот университети” Федераль давлат
бюджети олий таълим муассасаси филиали
ORCID: 0009-0001-1596-4393*

Аннотация. Мазкур мақолада хизматлар соҳасининг турлари, унинг аҳамияти ва мазмун-моҳияти очиб берилган. Хизматлар соҳасининг фаолият турлари бўйича асосий кўрсаткичлари иқтисодий-статистик таҳлил қилинган. Шунингдек, хизматлар соҳасининг ЯИМ даги улуши статистик усуллар орқали ўрганилиб, қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: хизмат соҳаси, хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, ижтимоий хизматлар, бозор хизматлари, халқаро тажриба, хусусий сектор, кичик тадбиркорлик.

ПОКАЗАТЕЛИ ОСНОВНЫХ ВИДОВ СФЕРЫ УСЛУГ И ЕГО ЭКОНОМИКО- СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

PhD Эрназаров Гулам

*Филиал высшего образовательного учреждения федерального
государственного бюджета Национального исследовательского
университета «Московский энергетический институт» в Ташкенте*

Аннотация. В данной статье описаны виды сферы услуг, ее значение и сущность. Экономико-статистический анализ основных показателей сферы услуг по видам деятельности. Также с использованием статистических методов была изучена и сравнена доля сектора услуг в ВВП.

Ключевые слова: сфера услуг, оказание услуг, социальный сектор, консалтинговые услуги, жилищно-коммунальное хозяйство, условия жизни населения, социальные услуги, рыночные услуги, международный опыт, частный сектор, малый бизнес.

INDICATORS OF MAIN TYPES OF SERVICE SECTOR AND ITS ECONOMIC AND STATISTICAL ANALYSIS

PhD Ernazarov Gulam

*The branch of the Federal State Budget Higher Education
Institution of the National Research University
“Moscow Energy Institute” in Tashkent*

Abstract. This article describes the types of service industry, its meaning and essence. Economic and statistical analysis of the main indicators of the service sector by type of activity. Also, using statistical methods, the share of the service sector in GDP was studied and compared.

Keywords: service sector, service provision, social sector, consulting services, housing and communal services, living conditions of the population, social services, market services, international experience, private sector, small business.

Кириш.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари каби хизматлар соҳасининг аҳмияти жуда катта ва долзарбдир. Шундай экан, бу, энг аввало ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликлар киритувчи фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар мавжудлигини тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарорининг қабул қилиниши соҳанинг бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда тўтган ўрни ниҳоятда муҳимлигини кўрсатиб бермоқда (Қарор, 2021).

2023-йил дастлабки маълумотларига кўра, ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 41,6 % дан 43,4 % га ошди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 24,9 % дан 24,3 % га, саноатнинг улуши 27,0 % дан 26,1 % га, қурилиш тармоғининг улуши 6,5 % дан 6,2 % га камайдди. 2023-йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 29 291,4 минг сўмни (ёки 2 495,6 АҚШ доллари эквивалентида) ташкил этди (stat.uz сайти).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” да 27 май 2022 йилдаги ПФ-104-сонли қарорида “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсди. Шу билан бирга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини 2022 йилда 1,5 бараварга ошириш ҳамда қўшимча 1,5 миллион янги иш ўринларини яратиш имкониятларини очиб беради, деб таъкидлаб ўтди” (Қарор, 2022).

Демак, иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

Адабиётлар шарҳи.

Мавзу юзасидан маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боришган ва боришмоқда, улар мазкур соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Жумладан, Бариновнинг (2021) берган таърифига кура: «хизмат - бу маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир». Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак.

Мелешко (2016) илмий мақоласида “XX аср охири - XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши – асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди” деб, таъриф бериб ўтади.

Кастельс (2000) иқтисодиётининг ахборот ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хусусиятларига эътибор бериб, хизматларни янги тавсифга эгаллиги ва хизматларни кўрсатишда фаолиятнинг янги кўринишларини тадқиқ этган. Унинг фикрича, хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолиятни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ранг-баранг фаолият турларини бириктириб турувчи ягона белги ушбу ягона (умумий) белгининг йўқлигидир. Хизматларни уларга тегишли бўлган ички хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлашда шуни айтиш керакки, ахборот иқтисодиётининг ривожланиши билан товарларнинг «номоддийлиги» ва «моддийлиги» ўртасида мазмунан фарқи йўқолди деб изоҳ беради.

Неоклассик мактаб вакили Алфред Маршалл (1993) хизматлар тўғрисида анча дадил ва шу билан бир қаторда, мантиқан асосланган фикрларни майдонга ташлаган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У хизматларни меҳнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Айнан, А.Маршалл барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг барчаси мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратган. У биринчи бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва эҳтиёжини қондиришида моддий ноз-неъматнинг ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, куз билан илғаб бўлмайдиган турли номоддий ноз-неъматлар ва хизматларнинг ҳам катта аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Бурменконинг (2007) берган таърифига кўра: «хизмат - бу маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир». Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак.

Ботирова ва Икромов (2017) илмий ишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизмат турлари, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтган.

Муҳаммедов (2009) хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатади деб, таъкидлаб ўтади.

Эрназаров (2024) “Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболлари” деб номланган мақоласида мамлакатимизда хизматлар соҳанинг ривожланиши, бу иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультипликатив таъсирга эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг хизматлари, яшаш ва умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади, деб, таъкидлаб ўтади.

“Ўзбекистон-2030” тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикаимиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади.

Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолани ёритишда статистик кузатув, мантиқий ёндашув, иқтисодий-статистик таҳлил, аналитик таҳлил ва қиёсий статистик таҳлил усуллардан атрофлича фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, хизматлар соҳасининг истиқболлари, иқтисодий кўрсаткичлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳадаги муаммолар ўрганилиб, улар назарий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Тадқиқот ишимизда хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинди. Тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ўрганилди.

Таҳлиллар ва натижалар муҳокамаси.

Биз биламизки хизматлар соҳаси бу – корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизмат турларини такрор кўрсатишни ўз ичига олган умумлаштирувчи категориядир. Бу тижорат, профессионал ва истеъмол хизматларини кўрсатишга ихтисослашган мамлакатнинг иқтисодий секторидир.

Шундай экан бугунги замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини кенг қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради.

2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида хизматлар соҳасини ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, бунда «....арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик – коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ...» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2023) юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг 2023 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, хизматлар ҳажми **470 286,5** млрд.сўмга етди ва бу соҳада кичик тадбиркорликнинг улуши - 47,7 % ни, аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми - 12 915,6 минг сўмни ва корхона ва ташкилотлар улуши – 70,7 % ни ташкил қилди. 2023-йил якунларига кўра, ЯИМ таркибида **хизматлар соҳасининг улуши 41,6 % дан 43,4 % га ошди**. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 24,9 % дан 24,3 % га, саноатнинг улуши 27,0 % дан 26,1 % га, қурилиш тармоғининг улуши 6,5 % дан 6,2 % га камайди. 2023-йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 29 291,4 минг сўмни (ёки 2 495,6 АҚШ доллари эквивалентида) ташкил этди.

2019-2023 йиллар давомида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига хизмат кўрсатиш турларининг қўшган ҳиссасини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, молиявий хизматлар – 4,5 %га, савдо хизматлари – 2,5 %га, транспорт хизматлари – 1,8 %га, бошқа хизматлар – 1,8 %га, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 1,6 %га, таълим соҳасидаги хизматлар – 1,0 %га ва яшаш ва овқатланиш хизматлари – 0,5 %га ошгани, яъни шу даврлар оралиғида бу кўрсаткич 13,7 %га ўсганини кўриш мумкин.

Бу кўрсаткичларни, яъни кўрсатилган бозор хизматларининг (1-жадвал) ўсишини 2023 йилнинг дастлабки маълумотлари билан ўтган 2022 йил шу даврга нисбатан таққослаб кўрадиган бўлсак, савдо хизматларининг – 23,5 % га ўсиши, транспорт хизматлари – 23,1 % га, молиявий хизматлар 22,6 % га, алоқа ва ахборотлаштириш

хизматлари – 6,9 % га, таълим хизматлари – 4,3 % га, яшаш ва овқатланиш хизматлари – 3,9 % га, шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар – 2,6 % га, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар – 1,8 % га, ижара хизматлари – 1,6 % га, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар – 1,7 % га ва бошқа хизматлар – 4,2 % ни ташкил этганлигини кўриш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2023 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибини статистик ўрганиб чиқадиган бўлсак, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни савдо (23,5 %) ва транспорт хизматлари (23,1 %) эгаллайди.

Хизматлар соҳасини фаолият турлари бўйича таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, 2023-йил январь-декабрь ойларида **транспорт хизматларининг** умумий ҳажмида автомобил транспорти хизматлари устунлик қилади 47,3 фоиз. Тошкент шаҳрида транспорт хизматлари ҳажми 19 804,4 млрд. сўмни ташкил этган. Мазкур ҳудудда транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати 119,1 фоизни ташкил этган, **автомобил транспортида** кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 51 272,7 млрд.сўмга етди. Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 10,9 фоизни ташкил этди. 2023-йилнинг январь-декабрь ойларида чакана савдонинг улуши **савдо хизматлари** умумий ҳажмининг деярли тўртдан уч қисмини, яъни 61,9 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин.

1-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари¹⁸⁵

Хизмат турларининг номи	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда		Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
	2022 йил	2023* йил		
Хизматлар – жами	357 554,5	470 286,5	100,0	113,7
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>				
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	22 917,6	32 226,6	6,9	124,6
молиявий хизматлар	80 431,0	106 363,8	22,6	120,6
транспорт хизматлари	81 006,6	108 477,7	23,1	108,0
<i>шу жумладан:</i>	41 318,3	51 272,7	10,9	108,4
автотранспорт хизматлари				
яшаш ва овқатланиш хизматлари	11 322,8	18 327,3	3,9	112,6
савдо хизматлари	88 847,9	110 662,4	23,5	110,2
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	9 674,3	12 064,3	2,6	113,3
таълим соҳасидаги хизматлар	15 395,7	20 418,4	4,3	122,8
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	6 384,2	8 441,2	1,8	111,6
ижара хизматлари	6 444,3	7 542,6	1,6	105,2
компютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	5 842,3	7 021,5	1,5	106,6
шахсий хизматлар	8 713,9	10 916,0	2,3	106,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	7 338,2	7 959,7	1,7	100,2
бошқа хизматлар	13 235,7	19 865,0	4,2	120,6

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг умумий ҳажмида энг катта ҳажми телекоммуникация хизматлари эгаллайди. 2023-йилнинг январь-декабрь ойларида уларнинг улуши 54,7 фоизни ташкил этди. **Таълим соҳасидаги** хизматларнинг умумий

¹⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг stat.uz расмий сайти.

ҳажмида олий таълим соҳасидаги хизматлар устунлик қилиб, 2023-йил январь-декабрь ойларидаги улуши 56,5 фоизни ташкил этди.

2023-йилнинг январь-декабрь ойларида **соғлиқни сақлаш** соҳасидаги хизматлар умумий ҳажмида шифохона муассасаларининг хизматлари салмоқли қисмни эгаллайди. Уларнинг улуши 43,1 фоизни ташкил этди.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 11-майдаги ПҚ-5113-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари” тасдиқланди ва уларнинг мониторингини олиб бориш жорий этилди. Бу ислохотларнинг узвийлигини давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш ва унинг сифатини янада ошириш борасида Президентимиз томонидан “Ўзбекистон-2030” тараққиёт стратегиясида кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, соҳани янада ривожлантириш учун таълим хизматлари бозорини кенгайтириш орқали малакали кадрларнинг хизматлар соҳасига кириб келишини қўллаб қувватлаш ва тезлаштириш, ҳудудларда хизматлар кўламини кенгайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш орқали соҳада ижобий муҳитни яратиш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кескин ошириш. Бунинг учун хизматлар соҳасининг самарадорлигини янада ошириш ва хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириш зарур.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Альфред Маршалл. (1993) Принципы экономической науки. - М.: «Прогресс».

Баринов Н.А. (2012) Указ. Соч. - Москва : Норма, - 607 с.; 22 см.; ISBN 978-5-91768-265-5 - С. 17.

Ботирова Р., Икромов И. (2017) Худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. №11(119). <http://www.biznesdaily.uz>

Бурменко Т.Д. (2007) Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. - М.: КНОРУС, – 328 с. – С. 64-65.

Кастельс М. (2000) Информационная эпоха: Экономика, общество и культура: Пер. с англ. Под. ред. О.И. Шкаратана - М. : ГУВШЭ.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5421233>

Қарор, (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/5840284>

Мелешко Ю.В. (2016) «Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества» // Россия: Интернет-журнал “Экономическая наука сегодня” №4.

Муҳаммедов М.М. (2009) “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала”. Servis jur. №1,- 47-56 б.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022—2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // www.lex.uz

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони. // www.lex.uz

Эрназаров Г.Б. (2024) “Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболлари” мақола ТДИУ: Иқтисодиёт ва таълим журналы 2024 йил №1-сон